

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки томонидан  
2011 йил “25” август  
53 - сон билан  
“рўйхатга олинди”

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки  
Раисининг ўринбосари

---

**“Асака” давлат-акциядорлик тижорат банки  
(очиқ акциядорлик жамияти)**

**У С Т А В И**

**(янги таҳрирда)**

**ТАСДИҚЛАНДИ:**

Акциядорлар Умумий йиғилишининг  
2011 йил “ 24 ” июн  
2 - сонли Баённомаси

“Асака” банки (ОАЖ) Кенгашининг Раиси

---

**Тошкент ш.**

**2011 йил**

## 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. “Асака” давлат-акциядорлик тижорат банки (очиқ акциядорлик жамияти) (кейинги ўринларда матнда “**Банк**” деб аталади) кредит ташкилоти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 7 ноябрдаги 424-сон қарори ва Банк муассислари таъсис йиғилишининг 1996 йил 16 январдаги қарори асосида ташкил этилган”.

1.2. Банк очиқ акциядорлик жамият шаклида ташкил этилади.

1.3. Банкнинг ўзбек тилидаги фирма (тўлиқ расмий) номи:

**“Асака” давлат-акциядорлик тижорат банки (очиқ акциядорлик жамияти).**

Банкнинг ўзбек тилидаги қисқартирилган фирма номи:

**“Асака” банк (ОАЖ).**

Банкнинг латин алифбосига асосланган ўзбек тилидаги тўлиқ фирма номи:

**“Asaka” davlat-aksiyadorlik tijorat banki (ochiq aksiyadorlik jamiyati).**

Банкнинг латин алифбосига асосланган ўзбек тилидаги қисқартирилган фирма номи:

**“Asaka” bank (OAJ).**

Банкнинг рус тилидаги тўлиқ фирма номи:

**Государственно-акционерный коммерческий банк «Асака» (открытое акционерное общество).**

Банкнинг рус тилидаги қисқартирилган фирма номи:

**Банк «Асака» (ОАО).**

Банкнинг инглиз тилидаги тўлиқ фирма номи:

**State Joint-Stock Commercial Bank “Asaka” (Joint-Stock Company).**

Банкнинг инглиз тилидаги қисқартирилган фирма номи:

**“Asaka” Bank (JSC)”.**

1.4. Банк ўз фирма номидан фойдаланишда мутлақ ҳуқуқга эга.

1.5. Банк ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ва тимсоли тасвирланган юмалоқ муҳрига (муҳрда қўшимча равишда фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин), ўз номи ёзилган штампи ва бланкаларига, ўз тимсолига, шунингдек бошқа ўз белги-аломатларига эга бўлишга ҳақлидир.

1.6. Банк Ўзбекистон Республикасининг банк тизимига киради ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатлари, шунингдек мазкур Уставга амал қилади.

1.7. Банк юридик шахс ҳисобланади, ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкига эга бўлади, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.8. Банк ўз фаолиятини тижорат асосида амалга оширади.

1.9. Банкнинг фаолияти мақсади фойда олишдир.

1.10. Банк ўз мажбуриятлари, шунингдек аҳоли омонатлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулки билан жавобгар.

Акциядорлар Банкнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ зиёнларни ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида тўлайдилар.

Акциялар ҳақининг ҳаммасини тўламаган акциядорлар Банк мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.

Банк ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Давлат ва унинг органлари Банк ўз зиммасига олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайдилар, ҳудди шунингдек Банк ҳам давлат ва унинг органлари олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайди.

1.11. Банкнинг мол-мулки унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиб, Банк акцияларини жойлаштиришдан тушган маблағлар, асосий фондлар ва айланма маблағлар, кўчар ва кўчмас мулклар, қимматли қоғозлар, олинган даромад, қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа асосларда олинган бошқа мол-мулклардан ташкил топади.

1.12. Банк шўъба ва тобе хўжалик жамиятларни ташкил этишга ҳақлидир.

1.13. Банк ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида филиаллар ташкил этиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Банк Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин.

Банк Марказий банкнинг рухсати билан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Банк Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин.

Банк филиал ва ваколатхоналарини мол-мулк билан таъминлайди.

Банкнинг филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахс ҳисобланмайди, Банк Кенгаши тасдиқлаган низомлар асосида иш кўради.

Банк филиаллари бўйича маълумот 1-сонли иловада кўрсатилган. (Ушбу илова Уставнинг ажралмас қисми ҳисобланади).

1.14. Банк корхоналар, ташкилотлар ва бошқа тижорат тузилмаларини ташкил этишда ва уларнинг хўжалик фаолиятида, шу жумладан холдинг асосида ҳам ўз маблағлари билан, бундан ташқари улуш қўшиш асосида қатнашиш ҳуқуқига эга.

Банк ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, ўз манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш ҳамда биргаликдаги дастурларни амалга ошириш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) ва ўзга бирлашмаларда қатнашиши мумкин.

1.15. Банк фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади ва ўз фаолиятини Марказий банк томонидан бериладиган лицензия асосида амалга оширади.

1.16. Банк банк операцияларини амалга оширишга доир қарорлар қабул қилишда мустақилдир.

## **2. БАНКНИНГ МАНЗИЛИ**

2.1. Банкнинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, 100015, Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 67.

## **3. БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИ**

3.1. Банк операцияларни бажариш ва пул маблағларини сақлаш учун Марказий банк муассасаларида вакиллик ҳисобварақларига эга. Банк бошқа банкларда вакиллик ҳисобварақлари очиши мумкин.

3.2. Банк ўз фаолиятида қўйидаги банк операцияларини амалга оширади:

- 1) жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан вакил банкларнинг ҳисобварақларини очиш ва юритиш, ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш;
- 2) омонатларни жалб этиш;
- 3) кредитларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан ўз номидан кредитлар бериш;
- 4) маблағ эгаси ёки маблағни тасарруф этувчи билан тузилган шартномага биноан пул маблағларини бошқариш;
- 5) чет эл валютасини нақд пул ва нақд бўлмаган пул шаклларида юридик ҳамда жисмоний шахслардан сотиб олиш ва уларга сотиш;
- 6) пул маблағлари, векселлар, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини инкассо қилиш;
- 7) учинчи шахслар номидан мажбуриятларнинг бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш;
- 8) учинчи шахслардан мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш;
- 9) қимматли қоғозлар чиқариш, харид қилиш, сотиш, мижоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, қимматли қоғозлар билан бошқа операцияларни бажариш;
- 10) банк фаолияти юзасидан маслаҳат ва ахборот хизмати кўрсатиш;
- 11) жисмоний ва юридик шахсларга ҳужжатлар ва бошқа бойликларни сақлаш учун махсус бинолар ёки улар ичидаги пўлат сандиқларни ижарага бериш;
- 12) молиявий лизинг;
- 13) халқаро банк амалиётига мувофиқ лицензияда махсус кўрсатилган бошқа операциялар.

3.3. Банк қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни қонунчиликда белгилаб қўйилган тартибда амалга ошириш ҳуқуқига эга.

3.4. Банк бевосита ишлаб чиқариш, савдо ва суғурта фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

3.5. Банк юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини жалб қилади ва уларни депозит ҳисобварақларида (талаб қилиб олингунча, жамғарма, муддатли ва бошқа турдаги депозит ҳисобварақларда) ва бошқа мажбуриятли ҳисобварақларда сақлайди.

3.6. Банкнинг мижозлар ва бошқа контрагентлар билан ўзаро муносабатлари шартнома асосида қурилади.

3.7. Банк томонидан кредитлар жисмоний ва юридик шахсларга қайтаришлик, муддатлилик, таъминланганлик, тўловлилик, фоизлилик ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида берилади. Кредитларни бериш қарз олувчилар билан тузиладиган кредит шартномалари асосида амалга оширилади. Кредитлаш шартлари Банк томонидан белгиланади.

Банк томонидан ажратиладиган кредитлар амалдаги қонунчиликка мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлган кўчар ва кўчмас мулк гарови, кафолатлар, кафилликлар ва банк амалиётида қабул қилинган бошқа усуллар билан таъминланади. Банк мазкур таъминотларнинг етарлилигини Марказий банкнинг тавсия ва тартибларини ҳисобга олган ҳолда белгилайди.

3.8. Чет эл валютасидаги операцияларни амалга ошириш учун Марказий банк томонидан берилган лицензия мавжуд бўлган тақдирда, Банк мазкур лицензия ва Марказий банк томонидан белгиланган қоидалар ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари асосида чет эл валютасидаги операцияларни амалга оширишга ҳақлидир.

## 4. БАНКНИНГ МАБЛАҒЛАРИ ВА КРЕДИТ РЕСУРСЛАРИ

### 4.1. Банкнинг ўз маблағлари:

- устав капиталидан;
- захира фондидан;
- тақсимланмаган фойдадан;
- фойдадан ташкил топувчи бошқа фондлардан ҳосил бўлади.

4.2. Банкнинг захира фонди Банк устав капиталининг 15 фоизига етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги ажратмалар ўтказиш орқали ташкил этилади.

Банк фондларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомлар Банк Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Банкнинг захира фонди кўрилган зарарни қоплаш, Банк облигацияларини муомаладан чиқариш ва Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ акцияларни сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг талабига биноан акцияларни сотиб олиш учун мўлжалланади.

Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

### 4.3. Банкнинг кредит ресурслари қуйидагилар ҳисобига шаклланади:

- банкнинг ўз маблағлари;
- юридик шахсларнинг Банк ҳисобварақларидаги маблағлари;
- фуқароларнинг муайян муддатга ва талаб қилиб олингунча жалб қилинган омонатлари;
- бошқа банкларнинг кредитлари;
- имзоланган битимлар ва шартномаларга мувофиқ жалб қилинадиган бошқа давлатларнинг корхоналари ва банклар маблағлари;
- облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштиришдан тушган маблағлар;
- жалб қилинган бошқа маблағлар.

4.4. Банкнинг молия йили мобайнида тақсимланмаган фойдасидан кредит ресурслари сифатида фойдаланиши мумкин.

## 5. БАНКНИНГ УСТАВ КАПИТАЛИ

5.1. Банкнинг устав капитали миқдори **315 600 000 000 (уч юз ўн беш миллиард олти юз миллион) сўмни** ташкил қилади ва ҳар бирининг номинал қиймати **52 600 (эллик икки минг олти юз) сўм** бўлган **6 000 000 (олти миллион) дона** эгасининг номи ёзилган оддий акцияларга тақсимланган.

Устав капиталини ошириш мақсадида Банк чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари **1 714 000 (бир миллион етти юз ўн тўрт минг) дона** эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.

Банк акцияларининг номинал қиймати **52 600 (эллик икки минг олти юз) сўм.**

5.2. Банкнинг устав капитали акциядорлар сотиб олган Банк акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

5.3. Қонунчиликка мувофиқ Банк устав капиталини шакллантириш учун бюджет маблағларидан фойдаланиш мумкин.

5.4. Банкнинг устав капитали акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

Банкнинг Устав капиталини акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ва Банк Уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарор Акциядорларнинг Умумий йиғилиши ваколати асосида Банк Кенгаши томонидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда қабул қилинади.

5.5. Банкнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини Банкнинг ўзи кейинчалик муомаладан чиқариш шarti билан сотиб олиши йўли билан камайтирилиши мумкин.

Устав капиталини камайтириш ва Банк уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарор Акциядорларнинг Умумий йиғилишида қабул қилинади.

## **6. БАНКНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

### **6.1. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

- омонатчилар ва қарз олувчилар билан келишувга мувофиқ депозитлар ва бериладиган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини мустақил белгилаш;
- шартнома асосида маблағларни депозитлар, кредитлар шаклида бошқа банклардан жалб этиш ва бошқа банкларга жойлаштириш;
- ташкил этиладиган ҳисоб-китоб марказлари ва вакиллик ҳисобварақлари орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш;
- мижозларга кўрсатиладиган хизматлар учун воситачилик ҳақи миқдорини мустақил белгилаш;
- барча солиқлар ва мажбурий тўловлар тўлаб бўлингандан кейин Банк тасарруфида қоладиган соф фойда ҳисобидан захиралар ва фондларни ташкил этиш;
- кредит ажратилаётган юридик шахс ҳамда кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан ҳисоботлар, баланслар ва уларнинг тўлов қобилиятини, шунингдек берилган кредитлар таъминланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни олиш;
- ўз маблағлари ёки Банк кредитлари иштирокида объектларни қуриш, техника билан қайта жиҳозлаш ва бошқа хўжалик фаолиятини амалга ошириш бўйича мўлжалланаётган лойиҳа ечимлари экспертизадан ўтказилишини талаб қилиш;
- қарздорнинг тўловга қодир эмаслиги эътироф этилганда, у кредитни таъминлаш бўйича мажбуриятларини бажармаганда, кредитдан мақсадли фойдаланиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бузилганда, ҳисоботларда нотўғри маълумотлар аниқланганда ёки бухгалтерия ҳисобида камчиликларга йўл қўйилганда, шунингдек шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда кредитни бундан буён тўхтатиш, берилган суммаларни муддатидан олдин ундириб олиш;
- ўз молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган, қонун ҳужжатларида, лицензия ва Уставда назарда тутилган бошқа ҳаракатлар ва операцияларни бажариш.

### **6.2. Банкнинг мажбуриятлари:**

- Марказий банкда маблағлар захирасини яратиш ҳамда белгиланган иқтисодий нормативларга риоя этиш бўйича Марказий банк томонидан ўрнатилган талабларини бажариш;
- кредитлар ва лизинг бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши Марказий банк томонидан белгиланган миқдорларда ва тартибда захиралар ташкил этиш;
- Марказий банкнинг топшириғига кўра Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг касса ижросига доир операцияларни бажариш;

- бериладиган кредитларни таъминлаш бўйича гаров, кафолат, кафиллик ва мажбуриятларнинг етарлилигини ҳисобга олувчи ички норматив тартибни ўрнатиш;

- ўз фаолиятига доир ахборотни Марказий банк белгиладиган тартибда ошкор қилишни амалга ошириш;

- Банкда ички аудит хизмати мавжуд бўлишини таъминлаш;

- ўз мижозлари ва вакилларининг операциялари, ҳисобварақлари ҳамда жамғармаларига доир маълумотларни, шунингдек банк сирини ташкил этувчи бошқа маълумотларни сир сақлаш.

6.3. Мижозларнинг Банкдаги ҳисобварақларида, омонатларида турган ёки сақлаш учун қўйилган пул маблағлари ҳамда бошқа қимматликлари фақат қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда хатланиши ёки уларга ундирув қаратилиши мумкин.

6.4. Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар судга, суд ижросига, прокуратура, тергов ва суриштирув органларига, шунингдек давлат солиқ хизмати органларига қатъий равишда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этилади.

6.5. Мижозларнинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялари тўғрисида ахборот жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш чораларини амалга оширувчи махсус ваколатли давлат органига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этилади.

6.6. Банкнинг мансабдор шахслари ва хизматчилари банк сирини ошкор қилганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.7. Банкнинг тижорат сири тоифасига киритилган ахборот билан Банкда ишлаш тартиби ва у билан ишлаш тартибини бузганлик учун жавобгарлик Банк Бошқаруви томонидан белгиланади.

## **7. БАНКНИНГ АКЦИЯЛАРИ ВА БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР**

7.1. Банк оддий турдаги акцияларни чиқаради ва уларни жойлаштиради.

7.2. Акциялар чиқариш шакли – ҳужжатсиз.

7.3. Банкнинг жойлаштирилган акциялари эгаси ёзилган оддий акциялардир.

7.4. Банк акцияларни хусусий йўсинда ва оммавий жойлаштиришга ҳақли.

7.5. Банк қонун ҳужжатларига мувофиқ облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар чиқаришга ҳақли.

7.6. Банкнинг акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириши қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

7.7. Банкнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларига ҳақ тўлаш пул воситасида амалга оширилади.

7.8. Акциялар унинг эгасига акцияларнинг ҳақи тўлиқ тўланганидан кейин берилади.

## **8. БАНК АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

8.1. Банкнинг ҳар бир оддий акцияси унинг эгаси бўлмиш акциядорга бир хил ҳажмда ҳуқуқлар беради.

Оддий акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорлар, Акциядорлар Умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, Банк тугатилган тақдирда эса, Банк мол-мулкнинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эгадир.

**8.2. Банк акциядорларининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:**

- Банк акциядорлари реестрига кириш;

- ўзи ҳақида депозитарийдаги депо ҳисобварағидан кўчирма олиш;
- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- Банк тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- Банкни бошқаришда иштирок этиш;
- Банк Уставига мувофиқ эмитентнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва тўғри ахборот олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари ва эмитентларнинг ўқувсиз ёки ғаразли хатти-харакатлари тўғрисида кўрган зарарнинг тўланишини талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа жамоат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозлар сотиб олиш вақтида зарар кўриш ва (ёки) фойданинг бир қисмини йўқотиш эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликни суғурталаш;

8.3. Акциядорлар мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўладилар.

8.4. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда депозитарий томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларнинг олувчисига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

8.5. Банк акциядорларининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- Акциядор ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизмат кўрсатувчи депозитарийни ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиши шарт. У ўзига оид маълумотлар ўзгарганлиги ҳақидаги ахборотни тақдим этмаган ҳолларда, шунинг оқибатида акциядорга етказилган зарар учун марказий рўйхатдан ўтказувчи вазифасини бажарувчи қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва акциядорнинг ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизмат кўрсатувчи депозитарий жавобгар бўлмайди.

- Қонунчилик доирасида қабул қилинган Акциядорлар Умумий йиғилишининг қарорлари барча акциядорлар томонидан, уларга тегишли қисми бўйича бажарилиши мажбурийдир.

8.6. Акциядорлар мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўладилар.

## **9. БАНК ФОЙДАСИНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ**

9.1. Банк соф фойдани тақсимлаш масалаларида тўлиқ хўжалик мустақилликка эгадир.

9.2. Дивиденд фойданинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан, қайта инвестиция амалга оширилганидан сўнг Банк ихтиёрида қоладиган, акциядорлар ўртасида тақсимланиши керак бўлган қисми.

9.3. Банк йилнинг ҳар чорагида, ҳар ярим йилда ёки йилига бир марта жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга (эълон қилишга) ҳақлидир.

9.4. Дивидендлар (йилнинг ҳар бир чораги, ярим йиллиги, йиллиги бўйича) тўлаш, дивиденднинг миқдори ҳамда уни тўлаш шакли тўғрисидаги қарор Банк

Кенгашининг тавсияси асосида Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Банк Кенгаши тавсия этган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугайдиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

Йилнинг ҳар бир чораги, ярим йиллиги бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор (эълон) тегишли давр тугаганидан сўнг икки ой ичида қабул қилиниши мумкин.

Агар дивидендлар тўлаш оқибатида Банкнинг молия-хўжалик аҳволи жиддий тарзда ёмонлашадиган бўлса, дивидендлар тўлаш тақиқланади.

Дивидендлар Банк тасарруфида қоладиган соф фойдадан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

Дивидендлар тўлаш муддати ва тартиби Банк Акциядорларининг Умумий йиғилиши қарори билан белгиланади. Дивидендлар тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаслиги лозим.

9.5. Дивидендларни эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган Акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Банк акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

Банк Акциядорларнинг Умумий йиғилиши белгиланган муддатларда дивидендларни ўз айби билан тўламаган тақдирда тўланмаган ва тўлиқ олинмаган дивидендлар юзасидан Марказий банк белгилаган қайта молиялаш ставкалари бўйича пеня ёзилади.

Банк эълон қилган дивидендларни тўлашни акциядор суд тартибида талаб қилишга ҳақлидир.

9.6. Банкнинг фаолияти жараёнида юзага келиши мумкин бўлган зарарлар биринчи навбатда захира фонди ҳисобидан қопланади. Агар захира фондининг миқдори зарарни қоплаш учун етарли бўлмаса, у Банк Акциядорлари Умумий йиғилиши қарорига асосан қонунчиликда белгиланган тартибда қопланади.

## **10. БАНКНИ БОШҚАРИШ**

### **10.1. Банкни бошқариш органларига қуйидагилар киради:**

- Акциядорларнинг Умумий йиғилиши;
- Банк Кенгаши;
- Банк Бошқаруви.

### **Банк Акциядорларининг Умумий йиғилиши**

10.2. Банк Акциядорларининг Умумий йиғилиши Банкни бошқаришнинг олий органи ҳисобланади.

#### **10.2.1. Акциядорлар Умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига қуйидаги масалалар киради:**

- 1) Банк Уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ёки Банкнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш;
- 2) Банкни қайта ташкил этиш;
- 3) Банкни тугатиш, тугатувчини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- 4) Банк Кенгашининг миқдор таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш;
- 5) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- 6) Банкнинг устав фондини кўпайтириш;
- 7) Банкнинг устав фойдини камайитириш;

- 8) Ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш;
  - 9) Банк Тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш;
  - 10) Аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисида аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш;
  - 11) Банкнинг йиллик ҳисоботларини, бухгалтерия балансларини, фойда ва зарарлари ҳисобварағини тасдиқлаш, унинг фойда ва зарарларини тақсимлаш;
  - 12) Банк Кенгашининг ўз ваколатига кирадиган масалаларга доир, шу жумладан, Банкни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишига доир ҳисоботларини эшитиш;
  - 13) Акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;
  - 14) Умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш;
  - 15) Акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
  - 16) Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда тузилишидан манфаатдорлик бўлган битимларни тузиш;
  - 17) Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Банкнинг мол-мулк сотиб олиши ва мол-мулкни бегоналаштириши билан боғлиқ йирик битимларни тузиш;
  - 18) Акциядорлар Умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Банк Кенгашига берилиши мумкин эмас, қуйидагилар бундан мустасно:
    - акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш орқали ёки эълон қилинган акцияларнинг сони ва турлари доирасида Банк томонидан қўшимча акцияларни жойлаштириш орқали Банк устав фондиди кўпайтириш;
    - амалдаги қонунчиликда белгиланган ҳолатларда Банк Уставига унинг устав фондиди кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;
    - Банкнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш.
- Акциядорлар Умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Банк ижро этувчи органига берилиши мумкин эмас.
- 10.2.2. Овозга қўйилган масала бўйича Акциядорлар Умумий йиғилишининг қарори, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, йиғилишда иштирок этаётган Банк овоз берувчи акциялари эгаси бўлмиш акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.
  - 10.2.3. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга ҳақли эмас.
  - 10.2.4. Акциядорларнинг Умумий йиғилишлари йиллик ва навбатдан ташқари бўлади.
  - 10.2.5. Банк Акциядорларининг йиллик Умумий йиғилиши ҳар йили молия йили тугаганидан кейин кўпи билан олти ой ичида ўтказилади.
  - 10.2.6. Акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш йиғилиш ўтказиладиган санага камида 10 кун қолганида амалга оширилади.
  - 10.2.7. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилиш ҳисобланади.
  - 10.2.8. Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши Банк Кенгашининг қарорига кўра қуйидагиларга ўтказилади:
    - унинг ўз ташаббуси билан;
    - Тафтиш комиссияси талаби билан;
    - талаб берилган санада Банк овоз берувчи акцияларининг камида 10 фоизига зғалик қилувчи акциядор (акциядорлар)нинг талаби билан.

10.2.9. Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш Банк Кенгаши томонидан акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб берилган пайтдан эътиборан узоғи билан 45 кун ичида амалга оширилади.

10.2.10. Банк овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 1 фоизига эга бўлган Банк акциядорлари (акциядори) Банкнинг молия йили тугаганидан кейин узоғи билан 30 кун ичида акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Банк Кенгаши ва Банк Тафтиш комиссияси (тафтишчилиги)га бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

10.2.11. Акциядорларнинг Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқи шахсан акциядор томонидан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади.

Акциядор Акциядорларнинг Умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

Акциядорнинг вакили Акциядорларнинг Умумий йиғилишида ёзма Ишончнома асосида иш кўради.

10.2.12. Агар Акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этувчиларни рўйхатга олиш тамом бўлган пайтга келиб, Банкнинг тарқатилган ва жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами олтмиш фоизидан кўпига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворум тўплаган) ҳисобланади.

### **Банк Кенгаши**

10.3. Банк Кенгаши Банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Акциядорлар Умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

#### **10.3.1. Банк Кенгашининг ваколатларига қуйидагилар киради:**

- 1) Банк фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- 2) Банк Акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари Умумий йиғилишларини чақириш;
- 3) Акциядорлар Умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- 4) Акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказиладиган санани белгилаш;
- 5) Акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Банк акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- 6) акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш орқали ёки эълон қилинган акцияларнинг сони ва турлари доирасида Банк томонидан қўшимча акцияларни жойлаштириш орқали Банк устав фонддини кўпайтириш;
- 7) қонунчиликда белгиланган тартибда Банк Уставига унинг устав фонддини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;
- 8) эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
- 9) эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисида қарорни ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;
- 10) аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишига ўзгартириш киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 11) мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- 12) Банк томонидан жойлаштирилган акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни олиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
- 13) Банкнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;
- 14) корпоратив маслаҳатчини тайинлаш;

- 15) ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш;
- 16) Банк ижроия органини тузиш (сайлаш, тайинлаш, ёллаш ва ҳоказо), унинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш;
- 17) Банкнинг ижроия органи фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатдан эркин фойдаланиш ва ижроия органидан Банк Кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларни олиш. Олинган ҳужжатлардан Банк Кенгаши ва унинг аъзолари фақат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин.
- 18) Банк Бошқарувига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорини белгилаш;
- 19) Банк Тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдори юзасидан ҳамда аудиторлик ташкилотининг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилашга доир тавсиялар бериш;
- 20) акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- 21) Банкнинг захира ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- 22) Банкнинг Бошқарув органлари фаолият тартибини белгиловчи ҳужжатларни тасдиқлаш;
- 23) Банкнинг ваколатхоналарини очиш ҳамда филиалларини ташкил этиш;
- 24) Банкнинг шўъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;
- 25) қонунчиликда белгиланган тартибда мол-мулкни олиш ва мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ йирик битимлар тузиш;
- 26) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда тузишдан манфаатдорлик бўлган битимларни тузиш;
- 27) Банкнинг бошқа ҳўжалик жамиятларидаги иштироки билан боғлиқ битимлар тузиш;
- 28) Банк номидан Банк Бошқаруви Раисини ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномасини тузиш;
- 29) Банк Кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этиш;
- 30) Банк Кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Банк Бошқарувига ўтказилиши мумкин эмас.

#### 10.3.2. Қуйидагилар Банк Кенгаши вазифалари ҳисобланади:

- ўз ваколатларини Банк акциядорлари манфаатларини кўзлаб амалга ошириш;
- Банкка ваколатли раҳбарликни таъминлаш;
- Банк фаолияти, кредитнинг тўғри берилиши ва маблағларнинг инвестицияланиши устидан жорий назоратни амалга ошириш (омонатчилар, кредиторлар ва акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида);
- Банкнинг тенг равишда капиталлашувини сақлаб туриш;
- Банк фаолияти стратегиясини шакллантириш;
- Банкни ривожлантиришга оид қабул қилинган бизнес-режаларнинг бажарилишини назорат қилиш;
- Банк даромадлари устидан мониторингни амалга ошириш;
- ички аудит хизмати фаолият кўрсатишини ташкил этиш;
- ҳар чорақда Банк фаолияти натижаларини эшитиш;

10.3.3. Банк Кенгаши аъзоларининг сони 7 (етти) кишидан иборат. Банк Кенгаши Раиси Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг тақдимномасига кўра Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланади. Банк Кенгашининг қолган аъзолари қонунчиликда назарда тутилган тартибда Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга сайланадилар.

10.3.4. Банк Кенгаши таркибига сайланган шахсларнинг қайта сайланишлари чекланмайди.

Банк Бошқарувининг аъзолари Банк Кенгашига сайланишлари, тайинланишлари мумкин эмас.

10.3.5. Банкда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар мазкур Банк Кенгаши аъзолари бўлиши мумкин эмас.

Банк Кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар акциядорлар умумий йиғилиши тасдиқлаган қарор билан белгилаб қўйилиши мумкин.

10.3.6. Акциядор ўзига тегишли акциялар бўйича овозларни Банк Кенгашининг битта номзодига тўлиқ беришга ёки бир нечта номзод ўртасида тақсимлашга ҳақлидир.

Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Банк Кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

Банк Кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Банк Кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир.

Давлат вакили лавозимига кўра Банк Кенгашининг аъзоси бўлиб, Акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан сайланмайди (қайта сайланмайди).

#### **10.3.7. Банк Кенгаши Раиси:**

- Кенгаш ишини ташкил этади;
- Кенгаш мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади;
- мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади;
- Акциядорларнинг Умумий йиғилишида Раислик қилади;
- Банк номидан Бошқарув Раиси билан меҳнат шартномасини тузади;
- мазкур Уставда ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга оширади.

10.3.8. Банк Кенгаши Раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини қонун ҳужжатларида ва мазкур Уставда белгиланган тартибда тайинланадиган Кенгаш аъзоларидан бири бажаради.

10.3.9. Банк Кенгашининг мажлиси Кенгаш Раиси томонидан қуйидагилар асосида чақирилади:

- унинг ўз ташаббуси билан;
- Марказий Банкнинг талаби билан;
- Кенгашнинг аъзоси талаби билан;
- Тафтиш комиссиясининг талаби билан;
- Бошқарувнинг талаби билан;
- Банк ички аудит хизмати раҳбарининг талаби билан;
- Банк ташқи аудиторининг талаби билан.

10.3.10. Кенгаш мажлиси, агар унда Кенгашга сайланган аъзоларнинг камида 75 фоизи қатнашса, қонуний кучга (кворумга) эга бўлади.

10.3.11. Кенгаш аъзоларининг сони мазкур Уставда назарда тутилган 75 фоиздан кам бўлиб қолса, Банк Кенгашнинг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг фавқулдда (навбатдан ташқари) Умумий йиғилишини чақиришга мажбур. Кенгашнинг қолган аъзолари фақат акциядорларнинг ана шундай фавқулдда (навбатдан ташқари) Умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

10.3.12. Банк Кенгаши мажлисида қарорлар қатнашаётганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, қонунчиликда белгиланган ҳолатлар бундан

мустасно. Банк Кенгаши мажлисида масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда Кенгашнинг ҳар бир аъзоси бир овозга эга бўлади.

10.3.13. Банк Кенгаши бир аъзоси овозининг Кенгашнинг бошқа аъзосига берилишига йўл қўйилмайди.

10.3.14. Банк Кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кенгаш мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг 10 кундан кечиктирмай тузилади ва тасдиқланади.

10.3.15. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

-мажлис ўтказилган жой ва вақт;

-мажлисда қатнашган шахслар;

-мажлиснинг кун тартиби;

-овозга қўйилган масалалар, улар бўйича овоз бериш натижалари;

-қабул қилинган қарорлар.

10.3.16. Банк Кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Банк Кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлиснинг баённомаси тўғрилиги учун жавоб беради.

10.3.17. Банк Кенгаши томонидан қарорлар қабул қилишда овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда Банк Кенгаши Раиси ҳал қилувчи овозга эга бўлади.

10.3.18. Банк Кенгашида масъул котиб лавозими мавжуд. Банк Кенгаши котиби Кенгаш мажлисларининг баённомалари юритилишини ташкил этади, уларнинг асл нусхаларини сақлаб қуяди. Акциядорлар Умумий йиғилиши ва Банк Кенгаши томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини назорат қилади, шунингдек Банк Кенгаши ўз маромида фаолият кўрсатиши учун бошқа зарур вазифаларни бажаради.

10.3.19. Банк Кенгаши қарорлари билан Банк акциядорлари таништирилиши мумкин (тижорат сири бўлган қарорлардан ташқари). Банк акциядорлари Банкнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлари билан ҳам танишишлари мумкин.

10.3.20. Кенгаш аъзолари ўзларининг лавозим мажбуриятларини ҳалол, шунингдек Банк манфаатлари йўлида улар энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалга оширишга мажбурдирлар.

10.3.21. Банк Кенгаши аъзолари Банк ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганликлари учун қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ жавоб берадилар.

10.3.22. Кенгаш мажлисида овоз беришда қатнашмаган ёки Банкка зарар етказишга олиб келган қарор учун қарши овоз берган Банк Кенгаши аъзолари жавобгарликдан озод қилинадилар.

### **Банк Бошқаруви**

10.4. Банкнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик коллегиял ижроия орган – Бошқарув томонидан амалга оширилади.

Банк Бошқаруви ижро органи бўлиб, у оператив раҳбарликни амалга оширади ҳамда Банк фаолияти учун жавоб беради, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Банк Устави, Акциядорлар Умумий йиғилиши ва Банк Кенгашининг қарорлари мувофиқ Банкнинг мол-мулкни бошқаради ва унинг капиталини тасарруф этади. Бошқарувга Раис раҳбарлик қилади.

#### **10.4.1. Банк Бошқарувига:**

-Бошқарув раисининг ўринбосарлари, бош бухгалтер, Департамент ва Бошқармаларнинг бошлиқлари;

-филиал ва бўлинмаларнинг раҳбарлари;

-Банк фаолиятининг муҳим йўналишларини таъминловчи бошқа мутахассислар кириши мумкин.

10.4.2. Бошқарув аъзолари Банк Кенгаши томонидан тайинланади.

Банк Бошқаруви аъзоларининг сони 7 (етти) кишидан иборат.

10.4.3. Бошқарув Раиси ва унинг биринчи ўринбосари лавозимларига номзодлар Банк Кенгаши томонидан Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

10.4.4. Банк Бошқаруви Раиси билан меҳнат шартномасини Банк номидан Банк Кенгаши Раиси имзолайди, Бошқарув Раисининг ўринбосарлари, Бошқарув аъзолари ва Банк бош бухгалтери билан меҳнат шартномаларини Бошқарув Раиси имзолайди.

10.4.5. Банк филиаллари раҳбарлари Банк Бошқаруви томонидан қонунчиликка мувофиқ тайинланади. Банк Бошқаруви Раиси Банк филиалларининг раҳбарлари билан Банк номидан меҳнат шартномалари тузади.

10.4.6. Банк ходимлари мазкур Уставга ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Банк Бошқаруви раиси ёки Банк филиалларининг раҳбарлари билан меҳнат шартномаси тузадилар.

10.4.7. Банк Бошқарувининг ваколатларига Банкнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради. Акциядорлар Умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига ёки Банк Кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

10.4.8. Банк Бошқаруви Акциядорлар Умумий йиғилиши ва Банк Кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

10.4.9. Бошқарув Банк Кенгаши ва Акциядорлар Умумий йиғилишига ҳисобот беради.

10.4.10. Банк Бошқаруви Банк Устави ва Бошқарув тўғрисидаги Низом асосида иш олиб боради.

10.4.11. Бошқарувнинг мажлиси зарур ҳолларда, бироқ бир ойда камида бир марта ўтказилади.

10.4.12. Банк Бошқаруви унинг кун тартибига киритилган масалаларни, агар мажлисда Бошқарув аъзоларининг 50 фоизидан ортиқ қисми қатнашса, ҳал қилишга ҳақлидир.

10.4.13. Банк Бошқаруви мажлисида қарорлар мажлисда қатнашаётган Бошқарув аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда Банк Бошқаруви раиси ҳал қилувчи овозга эга бўлади.

10.4.14. Банк Бошқаруви томонидан қабул қилинган қарорга рози бўлмаган Бошқарув аъзолари ўз фикрларини Банк Кенгашига билдиришлари мумкин.

10.4.15. Бошқарув мажлисида баённома юритилади. Бошқарув мажлисининг баённомаси Кенгаш ва тафтиш комиссияси аъзоларига, аудиторга уларнинг талабига кўра берилади.

#### **10.4.16. Бошқарув Раиси:**

-Банк номидан ишончномасиз иш юритиш, бошқа ташкилотлар ва органлар билан бўлган ўзаро муносабатларда унинг манфаатларини ифодалаш;

-Банкнинг Устави ёки бошқа ҳужжатлари билан олдиндан келишган доираларда унинг мол-мулки ва пул-маблағларини тасарруф қилиш;

-шартномалар ва контрактлар, шу жумладан меҳнат шартнома (контракт)лари тузиш;

-ишончномалар бериш;

-банкларда вакиллик ва бошқа ҳисобварақларни очиш;

-ўзига бўйсунувчи барча ходимлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

-ходимлар штатини тасдиқлаш, уни бутлаш;

-Банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари (низомлар, йўриқномалар, қоидалар, техник тартиб-қоидалар, услубиятлар, таркибий бўлинмалар тўғрисидаги

низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномалари ва бошқалар)ни тасдиқлаш ҳуқуқига эгадир.

#### **10.4.17. Бошқарув Раисининг вазифалари қуйидагилардан иборат:**

-ўз ваколатлари доирасида Банкнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш, Акциядорлар Умумий йиғилиши ва Кенгашнинг мутлақ ваколатига киритилган масалалардан ташқари;

-Акциядорлар Умумий йиғилиши ва Банк Кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;

-департаментлар, бошқармалар, бўлимлар, филиаллар ва Банкнинг бошқа таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлаш;

-Банк шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;

-Банк Кенгаши томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;

-Банкни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;

-Банк фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини таъминлаш;

-Банкда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Банк фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

-Банкнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар Банкнинг Кенгаши, Тафтиш комиссияси ёки Банк аудитори талабига кўра тўсиқларсиз тақдим этиш;

-давлат статистика ҳисоботи тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

-Банкнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш, агар бундай ахборотни учинчи шахсларга бериш унинг вазифалари доирасига кирмаса, Банкнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати Кенгаш томонидан белгиланади;

-хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг Банк ходимлари томонидан сақланишини таъминлаш;

-Банк Бошқаруви мажлислари ўтказилишини ташкил этиш, Банк номидан ҳужжатларни ва Бошқарув мажлиси баённомаларини имзолаш;

-Банкни малакали кадрлар билан таъминлаш, Банк ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чора-тадбирлари кўриш;

-меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туриш;

-Банк ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва улар меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш;

-жамоа музокараларида Бошқарув вакилларининг иштирокини таъминлаш.

Жамоа шартномалари ва битимлар тузилишида иш берувчи сифатида қатнашиш. Жамоа шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш;

-ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни Акциядорларнинг Умумий йиғилишига ва Банк Кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;

-амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ахборотлар улар томонидан олиниши, Акциядорларнинг Умумий йиғилишида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилиш;

-ички ҳужжатларга, амалдаги қонун ҳужжатларига ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя қилиш.

10.4.18. Бошқарув аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Банк манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

10.4.19. Банк Бошқаруви аъзолари ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги, натижасида Банкка етказилган зарар учун амалдаги қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ Банкка етказилган зарарни қоплаш бўйича тўлиқ ҳажмида Банк олдида жавоб берадилар.

10.4.20. Бунда овоз беришда қатнашмаган ёки Банкка зарар етказишга олиб келган қарорга қарши овоз берган Бошқарув аъзолари жавоб бермайдилар.

## **11. БАНКНИНГ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ**

11.1. Банк Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва халқаро стандартларига мувофиқ Марказий банк томонидан белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритади ҳамда молиявий ҳисобот тақдим этади.

11.2. Банк фаолияти яқунлари Марказий банкка тақдим этиладиган ойлик, чораклик ва йиллик бухгалтерия балансларида, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда, шунингдек йиллик ҳисоботда акс эттирилади.

11.3. Банкнинг Акциядорлар Умумий йиғилишига тақдим этиладиган йиллик ҳисоботидаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг тўғри эканлиги Банкнинг Тафтиш комиссияси томонидан тасдиқланиши лозим.

11.4. Банкнинг молиявий ҳисоботлари Марказий банк белгиладиган шакл ва муддатларда, унда кўрсатилган маълумотнинг тўғрилиги ташқи аудитор томонидан тасдиқлангач, матбуотда эълон қилинади.

11.5. Банкнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 30 кун олдин Кенгаш томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

11.6. Банк қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда ахборотни ошкор қилиши шарт.

11.7. Банкнинг молия йили 1 январдан бошланади ва 31 декабрда тугайди.

11.8. Банкнинг аффилланган шахслари Банкнинг ўзларига қаршли акциялари тўғрисида уларнинг сони ва турларини кўрсатган ҳолда акциялар сотиб олинган санадан эътиборан кечи билан 10 кун ичида Банкни ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

Агар аффилланган шахснинг айби билан мазкур ахборотнинг тақдим этилмаганлиги ёки ўз вақтида тақдим этилмаганлиги натижасида Банкга мулкӣ зарар етказилган бўлса, аффилланган шахс Банк олдида ўзи етказган зарар миқдорида жавобгар бўлади.

Банк ўзининг аффилланган шахслари ҳисобини юритиши ва улар тўғрисида қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ ҳисобот тақдим этиши шарт. Банк аффилланган шахслар рўйхатини уларга тегишли акциялар сони ва турларини кўрсатган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар йили эълон қилиши шарт.

## **12. БАНКНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

12.1. Банкнинг кундалик фаолияти, ички назоратининг мослиги, Банк томонидан амалга ошириладиган операцияларининг ҳолати ва миқдори устидан назоратни Банк Кенгаши олиб боради.

12.2. Банк Кенгаши амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда Банкнинг бошқарув органлари қарорлари ва Марказий банк талаблари асосида ички аудит хизматини ташкил этади. Банк Кенгаши ички аудит тўғрисидаги низомни тасдиқлайди.

12.3. Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш Банкнинг **Тафтиш комиссияси** томонидан амалга оширилади.

12.4. Тафтиш комиссияси Банк Акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан 5 (беш) кишидан иборат таркибда бир йил муддатга сайланади.

Банк Кенгашининг аъзоларига ёки Бошқарув органларидаги мансабдор шахсларига қарашли акциялар Банк Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш чоғида овоз беришда иштирок этиши мумкин эмас.

Банк Тафтиш комиссияси фаолиятининг тартиби Акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган низомда белгилаб қўйилади.

12.5. Банк Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Банк Кенгашининг аъзоси бўлишлари, шунингдек Банкнинг Бошқарув органларида бошқа лавозимларини эгаллашлари мумкин эмас.

12.6. Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) бир йил ёки бошқа давр учун фаолият якунлари бўйича Тафтиш комиссиясининг ташаббусига, Акциядорлар Умумий йиғилиши, Кенгаш қарорига ёки биргаликда Банкнинг овоз берувчи акцияларининг камида 10 фоизига эгаллик қиладиган акциядор (акциядорлар)нинг талабига кўра амалга оширилади.

Банк Тафтиш комиссиясининг талабига биноан Банкнинг бошқарув органларидаги мансабдор шахслар молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Тафтиш комиссиясига тақдим этишлари шарт.

Банкнинг Тафтиш комиссияси акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини, Банк Кенгаши ва Бошқаруви мажлисларини чақиришни талаб қилишга ҳақлидир.

12.7. Тафтиш комиссияси Банк томонидан унинг фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя қилинишини, ички банк назоратининг йўлга қўйилишини, Банк томонидан амалга ошириладиган операцияларнинг қонунийлигини (ялпи ёки танлаб текшириш йўли билан), касса ва мол-мулк ҳолатини текширади.

12.8. Тафтиш комиссияси Акциядорлар Умумий йиғилишига ёки Банк Кенгашига ўтказилган тафтиш тўғрисидаги ҳисоботни ва Марказий банкка ҳисобот нусхасини, зарур ҳолларда камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсияномалар билан, шунингдек тасдиқлашга тақдим этилган баланс ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг Банкдаги ишларнинг ҳақиқий аҳволига мувофиқлиги ҳақидаги хулосани, уларни тасдиқлаш бўйича тавсияномалар билан бирга тақдим этади.

12.9. Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунлари бўйича Тафтиш комиссияси хулоса тузади, унда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

-ҳисоботлар ва Банкнинг бошқа молия ҳужжатларининг тўғрилигига баҳо бериш;

-бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молия ҳисоботини тақдим этиш тартибини, шунингдек молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш пайтида қонунни бузиш фактлари тўғрисидаги ахборот.

12.10. Банкнинг фаолияти қонун ҳужжатларига мувофиқ аудиторлик текширишларини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган аудиторлар томонидан ҳар йили текшириб турилиши лозим (ташқи аудит).

12.11. Аудит, хусусан, капиталнинг етарлилигини баҳолаш, ссудаларни таснифлаш, ссудалар бўйича зарарларни қоплаш таваккалчиликни ва

ликвидликни ўлчашни ўз ичига олади. Аудиторлик текширув бухгалтерия ҳисобининг халқаро андозаларига мувофиқ равишда ўтказилиши лозим.

12.12.Банкда аудит текшируви аудиторлик ташкилоти билан тузиладиган шартнома асосида амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказилади.

12.13. Банк қонун ҳужжатларига мувофиқ ички аудит хизматини ташкил этади.

12.14. Ички аудит хизмати Банкнинг Кенгашига ҳисобдордир.

### **13. БАНКНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ**

13.1. Банк Акциядорлар Умумий йиғилишининг қарори билан қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва қайта тузиш шаклида қайта ташкил этилиши мумкин.

#### **13.1.1. Банкни қайта ташкил этиш тартиби:**

-Банк бошқа Банкга қўшиб юбориш йўли билан қайта ташкил этилганида давлат рўйхатга олиш органи қўшилиб юборилган Банк ўз фаолиятини тўхтатгани ҳақидаги ёзувни юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритган пайдан эътиборан қўшиб юборилган Банк қайта ташкил этилган деб ҳисобланади.

-Қайта ташкил этиш натижасида янгидан вужудга келган Банкни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда қайта ташкил этилган Банкнинг фаолияти тўхтатилгани тўғрисидаги ёзувни киритиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

-Қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан Банк 30 кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма равишда хабардор этади. Кредитор Банкдан мажбуриятларни тўхтатиш ёки муддатидан илгари бажаришни ҳамда зарарнинг ўрнини қоплашни қуйидаги муддатларда ёзма равишда хабар бериш йўли билан талаб қилишга ҳақлидир:

-қўшиб юбориш, бирлаштириш ёки қайта тузиш тарзида қайта ташкил этиш ҳақидаги хабарни Банк кредиторга юборган санадан бошлаб узоғи билан 30 кун ичида;

-бўлиш ёки ажратиб чиқариш тарзида қайта ташкил этиш тўғрисидаги хабарни Банк кредиторга юборган санадан бошлаб узоғи билан 60 кун ичида.

Агар бўлиниш баланси қайта ташкил этилаётган Банкнинг ҳуқуқий ворисини аниқлаш имконини бермаса, янги вужудга келган юридик шахслар қайта ташкил этилган Банкнинг мажбуриятлари юзасидан унинг кредиторлари олдида солидар жавобгар бўладилар.

#### **13.1.2. Банкни қўшиб юбориш тартиби:**

-Қўшиб юборишда иштирок этаётган Банк қўшиб юбориш ҳақида шартнома тузади, унда қўшиб юбориш тартиби ва шартлари, шунингдек ҳар бир Банк акцияларини янги Банкнинг акцияларига ва (ёки) бошқа қимматли қоғозларига айирбошлаш тартиби белгилаб қўйилади. Ҳар бир Банкнинг Кенгаши қўшиб юборишда иштирок этаётган Акциядорларнинг Умумий йиғилиши ҳукмига қўшиб юбориш тарзида қайта ташкил этиш тўғрисидаги, қўшиб юбориш шартномасини тасдиқлаш ҳақидаги ва ўтказиш далолатномасини тасдиқлаш ҳақидаги масалаларни ҳавола этади.

-Янги вужудга келаётган Банк Уставини тасдиқлаш ва Кенгашини сайлаш қўшиб юборишда иштирок этаётган Банклар акциядорларининг қўшма умумий йиғилишида амалга оширилади. Акциядорларнинг қўшма умумий йиғилишида овоз бериш тартиби Банкларнинг қўшиб юборилиши тўғрисидаги шартномада белгилаб қўйилиши мумкин.

-Банклар қўшилган тақдирда уларнинг ҳар бирига тегишли барча ҳуқуқлар ва мажбуриятлар ўтказиш далолатномасига мувофиқ янги вужудга келган Банкга ўтади.

### **13.1.3. Банкни бирлаштирилиш тартиби:**

-Бирлаштирилаётган Банк ва бирлаштириб олаётган Банк бирлашиш тўғрисида шартнома тузадилар, унда бирлашишнинг тартиби ва шартлари, шунингдек бирлаштирилаётган Банкнинг акцияларини бирлаштириб олаётган Банкнинг акциялари ва (ёки) бошқа қимматли қоғозларига айирбошлаш тартиби белгилаб қўйилади. Ҳар бир Банкнинг Кенгаши бирлашишда иштирок этаётган ўз Банкнинг умумий йиғилиши ҳукмига бирлашиш тарзида қайта ташкил этиш тўғрисидаги ва бирлашиш шартномасини тасдиқлаш ҳақидаги масалани киритади. Бирлаштирилаётган Банк Кенгаши ўтказиш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани ҳам Акциядорлар Умумий йиғилиши ҳукмига ҳавола этади.

-Банклар Акциядорларининг қўшма Умумий йиғилиши Уставга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилади. Акциядорларнинг қўшма Умумий йиғилишида овоз бериш тартиби бирлашиш тўғрисидаги шартномада белгилаб қўйилади.

-Бир Банк бошқа Банкга бирлашганда ўтказиш далолатномасига мувофиқ бирлаштирилаётган Банкнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари қўшиб олган Банкга ўтади.

### **13.1.4. Банкни бўлиш тартиби:**

- Бўлиш тарзида қайта ташкил этилаётган Банкнинг Кенгаши Акциядорларнинг Умумий йиғилиши ҳукмига бўлиш тарзида Банкни қайта ташкил этиш тўғрисидаги, бу қайта ташкил этишнинг тартиби ва шартлари хусусидаги, янги Банклар тузиш ҳамда қайта ташкил этилаётган Банк акцияларини тузилаётган Банклар акцияларига ва (ёки) бошқа қимматли қоғозларига айирбошлаш тартиби тўғрисидаги масалаларни ҳавола этади.

- Бўлиш тарзида қайта ташкил этилаётган Банк Акциядорларининг Умумий йиғилиши Банкни бўлиш тарзида қайта ташкил этиш тўғрисида, янги Банк тузиш ҳамда қайта ташкил этилаётган Банк акцияларини тузилаётган Банкнинг акциялари ва (ёки) бошқа қимматли қоғозларига айирбошлаш тартиби тўғрисида қарор қабул қилади. Янги тузилаётган ҳар бир Банк Акциядорларининг Умумий йиғилиши унинг Уставини тасдиқлаш ҳамда Кенгашини сайлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

- Банк бўлинганда унинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўлиш балансига мувофиқ янги ташкил этилаётган икки ёки бир неча Банкга ўтади.

### **13.1.5. Банкни ажратиб чиқариш тартиби:**

- Ажратиб чиқариш тарзида қайта ташкил этилаётган Банкнинг Кенгаши Акциядорларнинг Умумий йиғилиши ҳукмига ажратиб чиқариш тарзида Банкни қайта ташкил этиш, ажратиб чиқаришни амалга оширишнинг тартиби ва шартлари, янги Банкни тузиш, ажралиб чиқаётган Банкнинг акция ва (ёки) бошқа қимматли қоғозларини айирбошлаш имкониятлари ва бундай айирбошлаш тартиби, бўлиш балансини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани ҳавола этади.

- Ажратиб чиқариш тарзида қайта ташкил этилаётган Банк Акциядорларининг Умумий йиғилиши Банкни ажратиб чиқариш тарзида қайта ташкил этиш, ажратиб чиқаришнинг тартиби ва шартлари, янги Банкни тузиш, Банкнинг акцияларини ажралиб чиқаётган Банкнинг акцияларига ва (ёки) бошқа қимматли қоғозларига айирбошлаш имкониятлари ва бундай айирбошлашни ўтказиш тартиби, бўлиш балансини тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилади.

- Банк таркибидан бир ёки бир неча Банк ажралиб чиққанда ажратиб чиқариш тарзида қайта ташкил этилган жамият ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг бир қисми бўлиш балансига мувофиқ уларнинг ҳар бирига ўтади.

### **13.1.6. Банкни қайта тузиш тартиби:**

- Қайта тузилаётган Банкнинг Кенгаши Акциядорларнинг Умумий йиғилиши ҳукмига Банкни қайта тузиш, қайта тузишни амалга ошириш тартиби ва шартлари ҳақидаги масалаларни ҳавола этади.

- Қайта тузилаётган Банк Акциядорларининг Умумий йиғилиши қайта тузиш тўғрисида, қайта тузишни амалга оширишнинг тартиби ва шартлари ҳақида қарор қабул қилади. Қайта тузиш жараёнида вужудга келтирилаётган янги юридик шахснинг қатнашчилари ўзларининг қўшма мажлисларида унинг таъсис ҳужжатларини тасдиқлаш ҳамда қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ Бошқарув органларини сайлаш (тайинлаш) тўғрисида қарор қабул қиладилар.

- Банк қайта тузилганида қайта ташкил этилган Банкнинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ўтказиш далолатномасига мувофиқ янги вужудга келган юридик шахсга ўтади

### **13.2. Банк қуйидаги ҳолларда тугатилади:**

-Акциядорлар Умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ;

-Марказий банк лицензияни чақириб олганида;

-банкрот деб эълон қилинганда.

13.3. Банкни тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан сўнг Банк Акциядорларининг Умумий йиғилиши Марказий банк билан келишилган ҳолда Тугатиш комиссиясини тайинлайди.

13.4. Тугатиш комиссияси тайинланган вақтдан бошлаб унга Банк ишларини бошқариш ваколатлари ўтади.

13.5. Тугатиш комиссияси:

-тегишли матбуот органида Банкнинг тугатилиши унинг кредиторларнинг талаб қўйиш тартиби ва муддатлари тўғрисида хабар эълон қилади;

-Кредиторларнинг талаб қўйиш муддати Банк тугатилиши тўғрисида хабар эълон қилинган санадан эътиборан икки ойдан кам бўлмаслиги лозим;

-кредиторларни аниқлаш ва дебиторлик қарзларни олиш чора-тадбирларини кўради, шунингдек кредиторларни Банкнинг тугатилиши тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади;

-Банкнинг мол-мулкани баҳолайди.

13.6. Кредиторларнинг талаб қўйиш муддати тугаганидан кейин Тугатиш комиссияси оралиқ тугатиш балансини тузади. Мазкур балансда тугатилаётган Банк мол-мулканинг таркиби, кредиторлар қуйган талаблар, шунингдек уларни қараб чиқиш натижалари тўғрисидаги маълумотлар бўлади.

Оралиқ тугатиш баланси Акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан Марказий банк билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

13.7. Агар Банкнинг мавжуд пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, Тугатиш комиссияси Банкнинг бошқа мол-мулкани ким ошди савдосида сотишни амалга оширади.

13.8. Тугатилаётган Банк кредиторларига пул суммаларини тўлаш Тугатиш комиссияси томонидан оралиқ тугатиш балансига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган навбат тартибида мазкур баланс тасдиқланган кундан эътиборан амалга оширилади.

13.9. Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлинганидан кейин Тугатиш комиссияси тугатиш балансини тузади. Бу баланс Акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан Марказий банк билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

13.10. Кредиторлар талаблари қондирилганидан сўнг қолган Банк мулки қонунчиликда белгиланган тартибда тақсимлаш учун Банк акциядорларига берилади.

13.11. Банк Марказий банк томонидан Банкларни рўйхатга олиш Давлат китобидан ўчириб ташланган вақтдан эътиборан Банкни тугатиш тамомланган, Банк эса фаолиятини тугатган ҳисобланади.

13.12. Банкни қайта ташкил этиш ёки тугатиш ҳақидаги хабар матбуотда эълон қилинади.

13.13. Тугатиш комиссияси ноқонуний ёки атайин нотуғри қилинган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) натижасида Банкка келтирилган зарар учун жавобгардир.

#### **14. УСТАВГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ**

14.1. Банк Акциядорларининг Умумий йиғилиши томонидан Банк Уставига киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Марказий банкда белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

14.2. Банк Уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар улар давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб кучга киради.

**“Асака” банки (ОАЖ) филиаллари бўйича маълумот**

<b>т/р</b>	<b>Филиалнинг Марказий банкда рўйхатга олинган тўлиқ номи</b>	<b>Филиалнинг манзили</b>
1	"Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки (очиқ акциядорлик жамияти)нинг Қорақалпоғистон филиали	Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри
2	"Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки (очиқ акциядорлик жамияти)нинг Андижон вилоят филиали	Андижон вилояти, Андижон шаҳри
3	"Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки (очиқ акциядорлик жамияти)нинг Асака филиали	Андижон вилояти, Асака шаҳри
4	"Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки (очиқ акциядорлик жамияти)нинг Фарход филиали	Андижон вилояти, Андижон шаҳри
5	"Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки (очиқ акциядорлик жамияти)нинг Бухоро вилоят филиали	Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри
6	"Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки (очиқ акциядорлик жамияти)нинг Бухоро шаҳар филиали	Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри
7	"Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки (очиқ акциядорлик жамияти)нинг Жиззах вилоят филиали	Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри
8	"Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки (очиқ акциядорлик жамияти)нинг Навоий вилоят филиали	Навоий вилояти, Навоий шаҳри
9	"Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки (очиқ акциядорлик жамияти)нинг Зарафшон филиали	Навоий вилояти, Зарафшон шаҳри
10	"Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки (очиқ акциядорлик жамияти)нинг Наманган вилоят филиали	Наманган вилояти, Наманган шаҳри
11	"Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки (очиқ акциядорлик жамияти)нинг Самарқанд вилоят филиали	Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри
12	"Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки (очиқ акциядорлик жамияти)нинг Афросиёб филиали	Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри
13	"Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки (очиқ акциядорлик жамияти)нинг Қашқадарё вилоят филиали	Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри

14	"Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки (очиқ акциядорлик жамияти)нинг Сурхондарё вилоят филиали	Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри
15	"Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки (очиқ акциядорлик жамияти)нинг Фарғона вилоят филиали	Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри
16	"Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки (очиқ акциядорлик жамияти)нинг Марғилон филиали	Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри
17	"Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки (очиқ акциядорлик жамияти)нинг Қўқон филиали	Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри
18	"Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки (очиқ акциядорлик жамияти)нинг Олтиариқ филиали	Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани
19	"Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки (очиқ акциядорлик жамияти)нинг Хоразм вилоят филиали	Хоразм вилояти, Урганч шаҳри
20	"Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки (очиқ акциядорлик жамияти)нинг Сирдарё вилоят филиали	Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри
21	"Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки (очиқ акциядорлик жамияти)нинг Тошкент вилоят филиали	Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани
22	"Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки (очиқ акциядорлик жамияти)нинг Тошкент шаҳар филиали	Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани
23	"Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки (очиқ акциядорлик жамияти)нинг Шайхонтоҳур филиали	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани
24	"Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки (очиқ акциядорлик жамияти)нинг Автотранспорт филиали	Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани
25	"Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки (очиқ акциядорлик жамияти)нинг Юнусобод филиали	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани
26	"Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки (очиқ акциядорлик жамияти)нинг Сирғали филиали	Тошкент шаҳри, Сирғали тумани